Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 31 январь • пайшанба • № 18 (4147)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 30 январь куни Жиззах вилоятига келди.**

Халқимиз давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифини алоҳида қизиқиш билан кузатиб боради. Зеро, бу каби ташрифлар чоғида оддий одамлар дилидаги гаплар айтилади, ҳаётий муаммоларга ечим топилади, янги ташаббуслар, ғоялар амалга ошишига туртки берилади.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига бу галги ташрифи ҳам ана шундай кўтаринки руҳда бошланди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Фориш туманида атом электр станциясини қуриш учун муҳандислик тадқиқотлари олиб борилаётган майдонлардан бирини кўздан кечирди.

Маълумки, тинч мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатимизда илк бор атом электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Хорижий лойиҳалар сони ва кўлами бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган «Росатом» корпорацияси билан келишувга эришилган.

Ушбу станция ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватга эга иккита, «3+» авлодига мансуб энг замонавий ва хавфсиз энергия блокидан иборат бўлади. Улар Халқаро атом энергияси агентлигининг барча хавфсизлик талабларига жавоб беради.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши натижасида миллиардлаб куб метр табиий газ иқтисод қилинади, атмосферага карбонад ангидрид чиқарилиши йилига 14 миллион тоннагача, азот оксидлари чиқарилиши 36 минг тоннага камаяди. Атом энергияси экологик тоза бўлиб, ис гази ҳосил қилмайди.

Президентимиз тадқиқот ишларининг бориши билан қизиқди, «Ўзатом» агентлиги ва «Росатом» корпорацияси раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Бу улкан лойиҳа Россия билан стратегик шериклигимизнинг янги йўналиши. Мамлакатимиз саноати ривожланяпти, аҳоли сони ўсяпти. Ҳали олдинда яна катта режаларимиз бор. Булар учун барқарор энергия таъминоти керак. Атом электр станцияси энергия манбалари чекланган шароитда ана шундай имконият яратади, иқтисодиётни ривожлантиришга, одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Атом электр станциясини аниқ ҳисоб-китоб ва пухта тайёргарлик билан барпо этиш, шундай иншоотлар қурилишига оид хорижий тажрибани ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Бизнинг атом электр станциямиз бошқаларидан яхши, сифатли ва хавфсиз бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу соҳага ихтисослашган кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ҳозирда ўзбекистонлик 30 нафар талаба «Москва муҳандислик-физика институти» миллий тадқиқот ядро университетида таълим олмоқда. Мазкур билим юртининг Тошкентда ташкил этилаётган филиали келгуси ўқув йилидан илк талабаларни қабул қилади. Бу ёшлар юқори малакали мутахассис бўлиб етишади ва атом электр станциясининг хавфсиз ишлашини таъминлайди.




Шу ерда Жиззах вилоятининг минерал хомашё базасини кенгайтириш, Фориш туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салоҳияти ва лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Фориш – имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бироз орқада. Бу ернинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларидан тўғри фойдаланилса, туман иқтисодиётини бир неча баробар юксалтириш мумкин, деди Президент.

Масалан, Жиззах вилоятида базальт, рух, қўрғошин, цемент, гипс, кварц, пардозбоп тошлар каби табиий бойликлар кўп. Геологик ва иқтисодий таҳлиллар асосида уларни қайта ишлашни ташкил этиш, маҳаллий бюджетга катта даромад келтириши ва аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлиги таъкидланди. Бунинг учун «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш, тадбиркорларга кенг йўл бериш кераклиги қайд этилди.

Яна бир катта имконият – Фориш тумани ҳудудининг кенглигидир. Аввалги ташриф чоғида берилган топшириққа асосан бу ерда сувни тўплаш ва ундан тежаб фойдаланишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Натижада туманда қўшимча 50 минг гектар суғориладиган ер пайдо бўлди. Президентимиз бу жойлар илгари фойдаланилмаган ҳосилдор тупроқ эканини таъкидлаб, унга талаб юқори маҳсулотлар экиш, аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, вилоятдаги сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни кўпайтириш, чўл туманларда чорвачиликни ривожлантириш, сут ва жунни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари жиззахлик нуронийлар билан мулоқот қилди.

Суҳбатда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

2 ▸

## КУН НАФАСИ

**«Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»** Президент қарори қабул қилинди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

Президентнинг **«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»**ги қарори эълон қилинди.

**uza.uz**

* * *

Президент **Шавкат Мирзиёев** Бразилиянинг Брумадинью муниципалитетида тўғон ёрилиши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан мамлакат Президенти **Жаир Мессиас Болсонарога** ҳамдардлик билдирди.

**Президент матбуот хизмати**

* * *

Наврўз байрамига бағишланган **I Тошкент халқаро ярим марафони** ҳаваскорлар учун 5 километр, профессионаллар учун эса 21 километр масофада ўтказилади.

**Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Ўзбекистонда илк бор туристлар манзилларига тез ва осон етиб бориши мақсадида **замонавий йўл кўрсатувчи пилон** тажриба тариқасида ўрнатилди.

**Тошкент шаҳар туризмни ривожлантириш департаменти матбуот хизмати**

* * *

Ўзбекистон ҳудудида биринчи маротаба **Халқаро армия ўйинлари** ўтказилади.

**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Ўзбекистонда **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази** ташкил этилди.

**uza.uz**

* * *

«UnionPay International» халқаро тўлов тизимининг **«Йил кашфиёти – 2018»** мукофоти билан «Алоқабанк» тақдирланди.

**xabar.uz**

* * *

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалардан иборат жамоалар учун **«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»** дастури доирасида «Tourism challenge» (Туризм чорлови) танлови ташкил этилмоқда.

**Туризмни ривожлантириш қўмитаси матбуот хизмати**

* * *

Тошкентда ЙҲҚни бузгани учун жарималарни ўз вақтида тўламаган ҳайдовчиларни аниқлаш ва уларнинг автомобилларини жарима майдончасига киритиш тадбирлари бошланади.

**Тошкент ИИББ матбуот хизмати**

* * *

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

## Ислом Каримов халқимиз хотирасида мангу яшайди

**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди эди. У мамлакатимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган давлатни қайта тиклади. Оғир қийинчилик ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, мамлакатимизни изчил ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда Ислом Каримов хотирасига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошчимизнинг ҳайкаллари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан 2018 йилда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Биринчи Президентимиз дафн қилинган Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида улуғвор мақбара бунёд этилди. Бу ёдгорлик юртдошларимиз қадами узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, ёшлар учун катта тарбия масканига айланди.

2 ▸

**Шахсий фикр**

## ТАЪЛИМДА ЭГАМАНЛИК АКСИОМАСИ

*Биз кўзлаган мақсадга элтувчи йўлдир*

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал-маънавий қиёфаси педагогика орқали шаклланади. Шу маънода, юртимизда таълим тизими ҳам мазмун-моҳияти, ҳам шаклан тамомила янгиланаётгани айни муддаодир. Ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатдан қутқарилгани, ортиқча қоғозбозликлар қисқартирилгани, иш ҳақининг оширилиши таълим сифати ўзгаришига ижобий таъсир қилади, албатта. Лекин йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар борки, бу тўғрида очиқ-ойдин сўзлаб, уларни бартараф этиш йўлларини топмас эканмиз, кўзланган мақсадга эришишимиз қийин кечади.

**МАКТАБ, АВВАЛО, ШАХСНИ ТАЙЁРЛАШИ КЕРАК**

Бизнингча, биринчи навбатда, умумий мажбурий ўрта таълимдан мақсад нима экани аниқ белгилаб берилиши зарур.

Миллий умумий ўрта таълим тизими ҳозирча барча ўқувчини истисносиз олий мактабга тайёрлайди. Ота-оналар, маҳалла-кўй, ўқитувчилар, педагогик маъмурият ўрта мактаб ҳар бир болани университет ёки институтга тайёрлаши керак, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, дунёнинг ҳеч қаерида умумтаълим мактабларининг барча битирувчилари олий ўқув юртларига кириб ўқимайдилар. Мамлакатимизда ҳам яқингача ҳар йили ўрта маълумот олган ёшларнинг олти-етти фоизи олий мактабларга кирар эди. 2018 йилда бу кўрсаткич тўққиз фоизга кўтарилди. Бу йилдан бошлаб, олий ўқув юртларига қабул қилинадиган ёшлар сони янада кўпаяди. Лекин барибир, жуда катта миқдордаги ёшлар олий мактабдан ташқарида қолаверади. Аслида, шундай бўлиши мутлақо табиийдир.

4 ▸

**ishonch.uz:**

***«Матбуот бонг уради!»***




**АКСАРИЯТ РАҲБАРЛАР ҲАР ОЙДА ҲИСОБОТ БЕРИШИ ЛОЗИМЛИГИДАН БЕХАБАР**

**МАРКЕТЧИ... ТАДБИРКОРМИ?**

**УЧ ЙИЛДА ТЎҚҚИЗ МАРТА «АЙБДОР»**




***Бизни кузатиб боринг!***




***Азиз «Ishonch» мухлислари!***

Севимли нашрингиз – «Ishonch» газетасини ўз вақтида оляпсизми? Агар бу борада шикоятларингиз бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Тел.:** (71) 256-87-73
**E-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz
**Телеграм:** @ishonch_gazetasi

***Сизнинг фикрингиз биз учун муҳим!***

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

◂1

Юртимизнинг ҳамма жойларида янги заводлар, уй-жойлар, мактаблар қуриляпти. Халқимизнинг яшаш шароити, талаблари ҳам ўсиб боряпти. Бу эҳтиёжлар учун ҳозирча табиий бойликларимиздан фойдаланяпмиз, лекин уларнинг захираси чексиз эмас. Шунинг учун муқобил энергия манбаларини яратишимиз зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу атом электр станциясини қуришда барча халқаро талабларга қатъий риоя қилиниши, бундай станциялардан кўплаб мамлакатларда кенг фойдаланилаётгани қайд этилди.

Биз бу лойиҳанинг хавфсизлиги, иқтисодий зарурлигига ишончимиз комил бўлгани учун қуришга киришдик. Эртанги кунни ўйлаб иш тутмасак, ривожланишдан орқада қолиб кетамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Президентимиз тумандаги базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Mega Invest Industrial» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

2017 йил декабрда иш бошлаган корхона фаолияти 3 босқичда йўлга қўйилади. Айни пайтда биринчи ва иккинчи босқичлар ишга туширилган. Бунинг учун Буюк Британиянинг «Leigh Barrier» компаниясининг 11 миллион доллар ҳамда тижорат банкининг 26 миллион доллар кредит маблағи йўналтирилди. Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий ноу-хау технологиялари келтириб ўрнатилди. Натижада 225 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. 2018 йилда бу ерда минг тонна базальт арматураси ва сеткалар ишлаб чиқарилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, йилига 4 минг тонна базальт толаси ва 4800 тонна арматура тайёрланади.

Базальт арматурасининг металл арматурадан фарқи шундаки, у 8 баробар енгил, 3 баробар мустаҳкам, зангламайди, ўзидан электр токини ўтказмайди. Шунингдек, металл арматурадан 30 фоиз арзон ҳамда 100 йилгача ўз хусусиятини йўқотмайди. У минтақамизда ягона ва МДҲ давлатларида иккинчи шундай корхонадир.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, таннархини камайтириш, ҳажмини кўпайтириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Мирзачўл туманига келди.

Шавкат Мирзиёев Мирзачўл тумани Ғалаба маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Чўлда жойлашган ушбу туман узоқ йиллар эътибордан четда қолиб кетган эди. Инфратузилма объектлари эскириб, одамлар турмушида қийинчиликлар юзага келганди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Обод қишлоқ» дастури қабул қилингач, кўплаб ҳудудлар сингари Ғалаба маҳалласи ҳам том маънода обод бўлди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилди, йўл бўйлари ва майдонлар ободонлаштирилди. Бугун бу жойлар янги қиёфа касб этган.

Президентимиз ҳудуддаги «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Маҳалла ҳудудида дастур доирасида собиқ пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биноси реконструкция қилиниб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Эски уйлардан замонавий уйларга кўчиб чиққан оилалар уй бекалари ва касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар «Тадбиркор аёл» уюшмаси кўмагида тикувчилик касбига қайта тайёрланиб, иш билан таъминланди.

Жамоа «Ўзбекпахтасаноат» тизимидаги ва бошқа корхоналарга шартнома асосида махсус кийимлар тикиб бераётир. Айни пайтда корхонада эркаклар ва аёллар учун жинси матосидан кийим-кечак ҳам тикилмоқда.

Мирзачўлни янада обод қилишга доир ишларни бундан кейин ҳам тизимли давом эттирамиз. Мақсадимиз одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Ғалаба маҳалласи Барокат кўчасида яшовчи Мақсуд Мисиров хонадонида бўлди. Хонадон эгаларини янги уй билан табриклади. Қайд этиш керакки, М.Мисировнинг турмуш ўртоғи Маърифат Ҳайдарова ва қизи Моҳинур Мелиқулова «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси»да меҳнат қилади. Улар яратилган замонавий шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги Ўзбек – қозоқ миллий маданий маркази фаолияти билан танишди.

Мирзачўлда яшаётган қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг урф-одат ва анъаналарини асраши ва ривожлантириши учун зарур шароит яратилган. Хусусан, бу ерда Қозоқ миллий театри ташкил этилган. Яқинда театр биноси реконструкция қилиниб, кўркам иншоотга айлантирилди. Миллий чолғучилик, ашула, рақс, тасвирий санъат каби тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек – қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилгани халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Марказда маданий алоқаларни кучайтириш, ёшларни байналмилал дўстлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент мазкур театрнинг қайта тикланиши ва Ўзбек – қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилиши қардош халқларимиз ҳамжиҳатлигида муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Бу маскан ҳудуддаги ижодий, маърифий ташкилотларни, зиёлиларни, ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириши зарурлигини қайд этди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари санъатидан намуналар ижро этилди.

Шавкат Мирзиёев Мирзачўл туманидаги «Бинафша» давлат мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури асосида капитал таъмирланган боғча 280 ўринга мўлжалланган. Бу ерда болажонларнинг замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди. Машғулот хоналари болаларни мактабга тайёрлашдаги энг илғор методикалар асосида замонавий инвентарлар билан жиҳозланган. Кичик спорт ва ўйин майдончаси қурилган. Турли интерфаол ўйинлар, ақлни чархлашга кўмаклашувчи жиҳозлар болаларда дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, фарзандларимизга яхши тарбия бериш доимий эътиборимизда бўлади. Боғчага борган боланинг соғлиғи мустаҳкам, дунёқараши кенг, ўзига ишончи юқори бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, давлат ва хусусий боғчалар ташкил этиш орқали болалар қамровини кўпайтириш, шу билан бирга, таълим-тарбия сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникани кўздан кечирди.

Айтиш керакки, мазкур тиббиёт муассасаси мамлакатимизда намунали кўп тармоқли марказий поликлиника сифатида иш бошлаган.

1976 йилда қурилган бу поликлиника биноси шу кунга қадар капитал таъмирланмаган эди. «Обод қишлоқ» дастури асосида муассаса учун янги бино қурилди. 250 қатновга мўлжалланган поликлиникада 100 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган поликлиникада жарроҳ, педиатр, УТТ шифокори, стоматолог, терапевт, ЛОР, офтальмолог, травматолог, невропатолог, психиатр каби мутахассислар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Кўп тармоқли марказий поликлиника «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида велоэргометр, гастрофиброскоп, рақамли рентген, УТТ аппарати, биохимик анализатор, автоклаф, центрафуга, ЭКГ, стоматологик жамланма, аудометр, автарефроктометр каби тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Янги бинода аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида электрон рўйхатга олиш тизими жорий қилинди. Аёллар маслаҳатхонаси, кундузги стационар, ижтимоий дорихона фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирар экан, аҳолини касалликлар профилактикаси билан тўлиқ қамраб олиш, одамлар бошқа жойга даво излаб бориб овора бўлмаслиги кераклигини таъкидлади. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шифокорлар малакасини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари янги қурилган Мирзачўл тумани Давлат хизматлари марказида бўлди.

Бундан тўққиз ой олдин мазкур марказ ўрни ташландиқ жой бўлган, ўтган қисқа вақтда замонавий марказ биноси қад ростлади, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига 5 миллиард 740 миллион сўм маблағ сарфланди.

Марказ бир кунда 200-250 мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Эндиликда бу ерда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, нотариус, ФҲДЁ бўлими, паспорт бериш ва алмаштириш каби 103 хизмат тури кўрсатилади. Шунингдек, марказда кутубхона, никоҳдан ўтувчилар учун тантаналар зали, инвесторлар хонаси ташкил қилинган, бундан ташқари, ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланган.

«Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига мувофиқ, янги тизим Президентимизнинг «Халқ давлат идораларига эмас – давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғоясини сўзсиз амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат хизматлари фаолиятининг йўлга қўйилиши фуқароларнинг ҳам вақти, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади. Аҳоли томонидан қилинаётган ҳар бир мурожаат эътиборда бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари «Мирзачўл текс» МЧЖ фаолияти билан танишди.

Корхона фаолияти уч босқичли лойиҳа асосида йўлга қўйилади. Биринчи босқич 2018 йил декабрь ойида ишга туширилган. Хитой, Туркиядан 100 дона тикув дастгоҳи келтирилиб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар, хусусан, жинси шимлар тикилмоқда. 70 дан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган.

Лойиҳанинг 2-босқичида жинси мато тўқиш йўлга қўйилади ва 240 иш ўрни яратилади. 3-босқичда ип-калава йигирув амалиёти ишга туширилади. 2021 йилгача корхона тўлиқ қувват билан ишлаши кутилмоқда. Бу туманда 800 га яқин иш ўрни яратиш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев корхона фаолиятига доир зарур кўрсатмаларни берди. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга доимий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизнинг Россия Федерацияси, Франция ва Беларусь Республикаларидаги элчихоналари томонидан вилоятга жалб қилинган инвестициялар тақдимоти ўтказилди, шунингдек, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлардан келган инвесторлар ўз лойиҳалари ҳақида давлатимиз раҳбарига сўзлаб берди.

Тақдимотга кўра, россиялик инвесторлар ёритиш ускуналари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш, франциялик ишбилармонлар эса архитектура ойналари ишлаб чиқариш, мевани қайта ишлашга қизиқиш билдирмоқда. Шунингдек, Францияга анор, ковул, қизилмия илдизини экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Умар АСРОРОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Улуғбек АСРОРОВ,**
ЎзА махсус мухбирлари

◂1

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб, ушбу мақбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуасини сақлаш, атрофини ободонлаштириш, зиёратчиларга қўшимча қулайликлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

## Ислом Каримов халқимиз хотирасида мангу яшайди

Самарқанд Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Биринчи Президентимиз ушбу қадимий шаҳарда туғилган, унинг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор қаратган. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан бу ерда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 2007 йилда ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланган. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий қадамжолар обод қилинган. Ўнлаб замонавий иншоотлар, хиёбонлар, фавворалар барпо этилган.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори билан бунёд этилган Ислом Каримов мақбараси ва ҳайкали Самарқанддаги ана шу обод масканлар қаторига қутлуғ қадамжо бўлиб қўшилди.

Шу куни Самарқанд вилояти жамоатчилиги Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

**ЎзА**

*Бухоро вилояти*

**Ходимлар гимнастикаси**

# Саломатлик ва самарадорлик гарови

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар томонидан ишловчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида меҳнат жамоаларида жорий этилган ходимлар гимнастикасига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.**

Тумандаги 1-мактабгача таълим муассасасида олиб борилаётган ишлар фикримизга мисол бўла олади. Ходимлар гимнастикаси унча қийин бўлмаган комплекс жисмоний машқлардан иборат эканлиги, уни ҳар куни ишдан ажралмаган ҳолда бажариш зарурлиги, бунинг натижасида ходимларнинг жисмоний ҳолати функционал яхшиланиши ва меҳнат самарадорлиги янада ошиши, энг асосийси, бу машқлар иш жойида ва иш кийимида ўтказишга мослаштирилгани, машқларнинг тиббиёт ходими ва спорт бўйича йўриқчи назоратида бажарилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, тарбиячиларнинг фарзандларимизга тетик ва толиқмай тарбия бериш имкониятини оширмоқда.

**Ў.ТОШЕВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши раиси

*Тошкент вилояти*

**Касаба сайр**





# Саёҳат таассуротлари

«Kasaba sayr» шўъба корхонаси томонидан Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 40 нафарининг қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Шаҳардаги тарихий обидалар, бўй чўзган янгидан янги бунёдкорлик ишлари барчада катта таассурот қолдирди. Икки кун давом этган саёҳат якунига етиб ортга қайтишаркан, қай бири билан суҳбатлашманг, бой тарих ва бетакрор шарқона қиёфага эга ер юзининг сайқали бўлган азим шаҳар мафтунига айланишгани-ю, ҳали бу диёрга кўп бор келишни кўнглига тугиб қўйишганини ҳаяжон билан бот-бот такрорлашди.

**Шаҳноза ОДИЛХОНОВА,**
Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

*Қашқадарё вилояти*

**Долзарб муаммо**

**Мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида изчил тадбирлар амалга оширилаётир. Деярли барча тармоқларда ижтимоий ҳимояга эътибор ошиб, ойлик маошлар, ижтимоий тўловларнинг ҳам босқичма-босқич оширилаётганидан қувонмай бўладими, ахир?!**

# ИШ БОР–У МАОШ ЙЎҚ

## ёхуд қарздорлик қачон бартараф этилади?

Бироқ шундай корхоналар ҳам борки, уларда йиллар давомида иш ҳақидан қарздорлик юзага келиб, рақамлар анчайин йириклашиб кетган. «Қашқадарё иссиқлик манбаи» давлат унитар корхонаси шулардан бири бўлиб, иш ҳақидан қарздорлик 2019 йил 1 январь ҳолатига 682,5 миллион сўмга етганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Савол туғилади: Бу қарздорлик қандай юзага келди? Уни бартараф этиш учун қандайдир чора-тадбирлар кўрилмоқдами?

ДУК касаба уюшма қўмитаси раиси Хурсанд опа Ўринова мазкур ҳолатни қуйидагича изоҳлади:

– Қарши шаҳри ва туманлардаги қозонхоналарнинг эскириб, фойдали иш коэффициенти камайиб кетиши, оқибатда табиий газ, электр энергиясининг нисбатан кўп сарфланиши туфайли 2004 йилдан қозонхоналар иш фаолияти бирма-бир тўхтатила бошланди. Аммо улардаги қоровуллар иш ўринлари сақлаб қолинган.

Шунингдек, Қарши шаҳридаги қозонхоналарга уланган кўп қаватли уй-жойлар ички иссиқлик тизими эскиргани боис хонадонлар тўлиқ иссиқлик қабул қила олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори 64-бандига кўра, иссиқлик энергиясини етказиб бериш мансублик чегараси кўп қаватли уй-жойларнинг элеватор қисми ҳисобланади.

Қозонхоналардан иссиқлик элеваторга етказиб берилса-да, аксарият уйлар ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилгани, боз устига ички иссиқлик тизими таъмирланмаганлиги панд бераётир.

Юқоридаги омиллар корхонанинг даромадлари камайиб, молиявий ҳолатининг ёмонлашувига, ходимларнинг маош ололмаслигига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2019 – 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманларида 70 та замонавий энергия тежамкор локал қозонхона қурилиши, Қарши шаҳрида 4 та марказий қозонхона модернизация ва реконструкция қилиниши белгиланган.

Шундан 1- ва 2-миттитуманларда кичик локал қозонхоналар қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда биринчи миттитумандаги 46 та кўп қаватли, 2-миттитумандаги 85 та кўп қаватли уй-жойларга иссиқлик етказиб берилмоқда.

Иш ҳақи қарздорлигини камайтириш бўйича Фуқаролик суди қарори ижросига кўра, Эски 2-сон Пахтазор қозонхона биноси аукцион савдосига қўйилган бўлиб, 2019 йил 31 январь куни, яъни бугун онлайн савдо ўтказилади. Бинонинг энг паст нархи 479 872 295, 50 сўм қилиб белгиланган.

Бино сотилса, ойлик иш ҳақининг 70 фоиз қарздорлиги камайиши мумкин.

Шунингдек, жорий йилда Қарши шаҳридаги 5-, 6-миттитуманлардаги 54 та уй-жойга локал қозонхона қурилиб, 7-миттитумандаги 31 та уйга 4-сон «Шўртан» ва Шаҳрисабздаги марказий қозонхоналарнинг реконструкция қилиниши белгиланган.

Бу билан истеъмолчилар сони ортиб, даромадлар ҳам кўпаяди.

Ҳозирги кунда истеъмолчилардан тушган маблағлардан иш ҳақи қарздорлиги камайтириляпти ва айни пайтга келиб 2016 йил ноябрь ойи маошлари берилди...

Касабақўм етакчиси – ходимлар ҳимоячиси. У корхонадаги истиқболли режалар ҳақида айтиб ўтиб, иш берувчи томонидан масаланинг ижобий ечими изланаётганини билдирди. Демак, иш ҳақидан қарздорликнинг бартараф этилиши масаласига яна қайтамиз...

**Акмал АБДИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

# «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади! № 2019-04

### Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 30 январь
### Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Тошкент вилояти |
|---|---|---|
| **Манзил:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй. | **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 2-уй | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,18-уй. |
| **Телефон:** (0 369) 227-94-30 | **Телефон:** (0 366) 233-50-76 | **Телефон:** (0 371) 241-15-37 |
| **Факс:** (0 369) 227-91-47 | **Факс:** (0 366) 231-13-51 | **Факс:** (0 371) 241-15-26 |

**5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______вилояти, ________тумани, ___________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг** тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Тошкент вилояти |
|---|---|---|
| **Банк:** «Ҳамкорбанк» АТБнинг Юксалиш филиали | **Банк:** «Алоқа банк» АТБнинг Самарқанд филиали | **Банк:** «Азия Алянс Банк»нинг Олмазор филиали |
| **ИНН:** 202393842 **МФО:** 00992 | **ИНН:** 202 427 054 **МФО:** 00985 | **ИНН:** 300 017 720, **МФО:** 01102 |
| **ҳ/р:** 20210000803196752001 | **ҳ/р:** 20210000803783329001 | **ҳ/р:** 20210000504546027001 |

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Наманган вилояти ҳокимияти | Самарқанд вилояти ҳокимияти | Тошкент вилояти ҳокимияти |
|---|---|---|
| **Манзил:** Наманган шаҳри, Истиқлол кўчаси 57-уй. | **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй | **Манзил:** Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй |
| **Телефон:** 0 (369) 227-08-29 | **Телефон:** 0 (366) 233-25-93 | **Телефон:** 0 (371) 232-80-47 |
| **Факс:** 0 (369) 227-91-47 | **Факс:** 0 (366) 233-25-93 | **Факс:** 0 (371) 232-80-42 |

**Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони $м^2$ |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

**Шартнома (лот)лар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар | | | бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | уй рақами | |
| **ЖАМИ** | | | **2734** | **96** | **2304** | | **430** | | |
| **Самарқанд вилояти** | | | **1558** | **52** | **1248** | | **310** | | |
| 337 | Пастдарғом | Гўзалкент | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 338 | Пастдарғом | Гўзалкент | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 339 | Пастдарғом | Гўзалкент | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 340 | Пастдарғом | Гўзалкент | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 341 | Пахтачи | Бурқут | 6 | | | | 6 | 1-6 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 342 | Пахтачи | Сулув | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 343 | Пахтачи | Шамсназар | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 344 | Пахтачи | Жаҳонобод | 6 | | | | 6 | 1-6 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 345 | Жомбой | Бешбола | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 346 | Жомбой | Бешбола | 8 | | | | 8 | 9-16 | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 347 | Жомбой | Эски жомбой | 14 | | | | 14 | 1-14 | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 348 | Жомбой | Каттақишлоқ | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 349 | Жомбой | Каттақишлоқ | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 350 | Жомбой | Каттақишлоқ | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 351 | Нарпай | Нарпай | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 352 | Нарпай | Нарпай | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 353 | Нарпай | Нарпай | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 354 | Нарпай | Саловат | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 355 | Нарпай | Саловат | 8 | | | | 8 | 9-16 | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 356 | Нарпай | Саловат | 8 | | | | 8 | 17-24 | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 357 | Нарпай | Саловат | 6 | | | | 6 | 25-30 | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 358 | Нарпай | Тепа | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 359 | Иштихон | Шейхларкент | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 360 | Иштихон | Шейхларкент | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 361 | Иштихон | Шейхларкент | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 362 | Иштихон | Халқабод | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 363 | Иштихон | Кўтарма | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 364 | Иштихон | Кўтарма | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 365 | Иштихон | Кўтарма | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 366 | Иштихон | Кўтарма | 10 | | | | 10 | 11-20 | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 367 | Булунғур | Меҳнатобод | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 15:30 |
| 368 | Булунғур | Меҳнатобод | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 15:30 |
| 369 | Каттақўрғон | Мундиён | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 370 | Каттақўрғон | Мундиён | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 371 | Каттақўрғон | Мундиён | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 372 | Каттақўрғон | Мундиён | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 373 | Каттақўрғон | Мундиён | 8 | | | | 8 | 9-16 | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 374 | Каттақўрғон | Мундиён | 8 | | | | 8 | 17-24 | 2019 йил 1 март 16:00 |
| 375 | Каттақўрғон | Муллакўрпа | 6 | | | | 6 | 1-6 | 2019 йил 1 март 16:30 |
| 376 | Каттақўрғон | Мадраса | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 16:30 |
| 377 | Нуробод | Наврўз | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 17:00 |
| 378 | Нуробод | Наврўз | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 17:00 |
| 379 | Нуробод | Наврўз | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 17:00 |
| 380 | Қўшработ | Жўш ота | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 17:30 |
| 381 | Қўшработ | Булоқбоши | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 17:30 |
| 382 | Қўшработ | Булоқбоши | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 17:30 |
| 383 | Қўшработ | Заркент | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 17:30 |
| 384 | Тайлоқ | Олмазор | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 2 март 11:00 |
| 385 | Тайлоқ | Тажикравот | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 2 март 11:00 |
| 386 | Тайлоқ | Тажикравот | 10 | | | | 10 | 11-20 | 2019 йил 2 март 11:00 |
| 387 | Тайлоқ | Боғичинор | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 11:30 |
| 388 | Тайлоқ | Боғичинор | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 11:30 |
| 389 | Тайлоқ | Боғичинор | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 2 март 11:30 |
| 390 | Тайлоқ | Боғичинор | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 2 март 11:30 |
| 391 | Оқдарё | Бозоржой | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 12:00 |
| 392 | Оқдарё | Даҳбед | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 12:00 |
| 393 | Оқдарё | Кумушкент | 4 | | | | 4 | 1-4 | 2019 йил 2 март 12:00 |
| 394 | Оқдарё | Янгиҳаёт | 4 | | | | 4 | 1-4 | 2019 йил 2 март 12:00 |
| 395 | Пайариқ | Туркибола | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 396 | Пайариқ | Туркибола | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 397 | Пайариқ | Туркибола | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 398 | Пайариқ | Туркибола | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 399 | Пайариқ | Туркибола | 8 | | | | 8 | 9-16 | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 400 | Пайариқ | Туркибола | 8 | | | | 8 | 17-24 | 2019 йил 2 март 12:30 |
| 401 | Пайариқ | Бирлашув | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 402 | Пайариқ | Бирлашув | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 403 | Пайариқ | Бирлашув | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 404 | Пайариқ | Бирлашув | 8 | | | | 8 | 9-16 | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 405 | Пайариқ | Янгиҳаёт | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 406 | Пайариқ | Янгиҳаёт | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 14:00 |
| 407 | Самарқанд | Паррандачилик | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 14:30 |
| 408 | Самарқанд | Паррандачилик | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 14:30 |
| 409 | Самарқанд | Паррандачилик | 6 | | | | 6 | 1-6 | 2019 йил 2 март 14:30 |
| 410 | Самарқанд | Гулобод | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 14:30 |
| 411 | Самарқанд | Ф.Қосимова | 2 | | | | 2 | 1-2 | 2019 йил 2 март 14:30 |
| 412 | Самарқанд | Газчилар | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 15:00 |
| 413 | Самарқанд | Газчилар | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 15:00 |
| 414 | Самарқанд | Газчилар | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 2 март 15:00 |
| 415 | Самарқанд | Қорасув | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 15:00 |
| 416 | Ургут | Сариқтепа | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 417 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 418 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 419 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 420 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 421 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 2 март 15:30 |
| 422 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 6 | | | 2019 йил 2 март 16:00 |
| 423 | Ургут | Алгар | 24 | 1 | 24 | 7 | | | 2019 йил 2 март 16:00 |
| 424 | Ургут | Алгар | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 2 март 16:00 |
| 425 | Ургут | Алгар | 10 | | | | 10 | 11-20 | 2019 йил 2 март 16:00 |
| 426 | Ургут | Урамас | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 2 март 16:00 |
| **Наманган вилояти** | | | **552** | **18** | **432** | | **120** | | |
| 427 | Мингбулоқ | Ёшлик | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 428 | Мингбулоқ | Мустақиллик | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 11:00 |
| 429 | Косонсой | Қозоқовул | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 430 | Косонсой | Қозоқовул | 10 | | | | 10 | 11-20 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 431 | Косонсой | Бўстон | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 432 | Косонсой | Обод | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 11:30 |
| 433 | Косонсой | Обод | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 434 | Косонсой | Обод | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 435 | Косонсой | Гўрмирон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 436 | Косонсой | Гўрмирон | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 437 | Косонсой | Гўрмирон | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 12:00 |
| 438 | Наманган | Қумқўрғон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 439 | Наманган | Қумқўрғон | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 440 | Наманган | Қумқўрғон | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 441 | Наманган | Кичик Тошбулоқ | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 442 | Наманган | Кичик Тошбулоқ | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 443 | Наманган | Кичик Тошбулоқ | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 март 12:30 |
| 444 | Норин | Полвонкўл | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 445 | Норин | Навоий | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 14:00 |
| 446 | Поп | Навбаҳор | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 447 | Поп | Янги Тўда | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 448 | Поп | Хонобод | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 449 | Поп | А.Қаҳҳор | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 14:30 |
| 450 | Уйчи | Деҳқонобод | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 451 | Уйчи | Гулистон | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 452 | Уйчи | Тепасарой | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 453 | Уйчи | Тепасарой | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 март 15:00 |
| 454 | Чуст | Қорақўрғон | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 15:30 |
| 455 | Чуст | Янгиобод | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 15:30 |
| 456 | Чуст | Қайирма | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 март 15:30 |
| **Тошкент вилояти** | | | **624** | **26** | **624** | | | | |
| 457 | Қуйичирчиқ | Навқирон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 11:00 |
| 458 | Оққўрғон | Тортувли | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 11:30 |
| 459 | Оққўрғон | Тортувли | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 11:30 |
| 460 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 12:00 |
| 461 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 12:00 |
| 462 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 5 март 12:00 |
| 463 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 5 март 12:30 |
| 464 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 5 март 12:30 |
| 465 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 6 | | | 2019 йил 5 март 12:30 |
| 466 | Оққўрғон | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 7 | | | 2019 йил 5 март 12:30 |
| 467 | Паркент | Қорақалпоқ | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 14:00 |
| 468 | Паркент | Қорақалпоқ | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 14:00 |
| 469 | Пискент | Бирлик | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 14:30 |
| 470 | Юқоричирчиқ | Дўстлик | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 15:00 |
| 471 | Юқоричирчиқ | Дўстлик | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 15:00 |
| 472 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 15:30 |
| 473 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 15:30 |
| 474 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 5 март 15:30 |
| 475 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 5 март 15:30 |
| 476 | Зангиота | Эркин | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 5 март 15:30 |
| 477 | Қибрай | Шалола | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 16:00 |
| 478 | Қибрай | Шалола | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 16:00 |
| 479 | Тошкент | Тўлабий | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 5 март 16:30 |
| 480 | Тошкент | Тўлабий | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 5 март 16:30 |
| 481 | Тошкент | Тўлабий | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 5 март 16:30 |
| 482 | Тошкент | Тўлабий | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 5 март 16:30 |

# ТАЪЛИМДА ЭГАМАНЛИК АКСИОМАСИ

## Биз кўзлаган мақсадга элтувчи йўлдир

◄1

Шу ҳолни кўра-била туриб ҳам барча ўқувчилар фақат университет ва институтларда ўқишга чорлайверилади. Бу борадаги ҳолат шу даражага етдики, ўқувчилар орасида олий мактабга энг юқори даражада билим олинадиган даргоҳ эмас, балки олий маълумотлилик тўғрисида дипломга эга бўлинадиган маскан деб қараш томир ёйди. Ўқимасдан бўлса-да, диплом олишга интиладиган, ҳатто бунинг уддасидан чиқадиганлар қатлами ҳам пайдо бўлди. Ва бундайлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Натижада, олий ўқув юрти берадиган билим эмас, балки у берадиган диплом муҳимроқ саналадиган бўлди.

Ҳолбуки, ўқувчиларга мактабга келган кундан эътиборан дунёдаги барча касблар бир-биридан қолишмайдиган даражада муҳим экани, фаррошлик, қассоблик ёки қурувчилик ҳунари ўқитувчилик, ҳуқуқшунослик ёки дипломатлик касбидан кам эмаслиги сингдирилиши лозим. Лекин ўқувчилар билишлари керакки, фаррош, қассоб, қурувчи бўлиш учун ҳам мактабдаги барча ўқув фанларини ўзлаштириш зарур. Негаки, у ёки бу касбни эгаллаган киши фақат ўша касбнинг ичида қолиб кетмайди. У одам сифатида ёлғиз яшай олмайди, кимгадир ўғил ёки қиз, оға ё ини, опа ё сингил, келин, куёв, ота ёки она, қуда, қўшни бўлишга маҳкум. Бинобарин, атрофдагилар билан улар даражасида муносабатга киришиш учун бугун мактабдаги барча фанларни яхши ўзлаштириши лозим бўлади. Таълим мажбурийлигининг маъноси ҳам шунда.

Мактаб таълимига бундай ёндашув чинакам касбга йўналтиришни юзага келтиради. Шундай бўлганда болалар мактабда олий ўқув юртига эмас, ҳаётга тайёрланади. Ўшанда ўқувчиларда у ёки бу фаннинг менга нима кераги бор, мен келажакда математик, физик ё тарихчи бўлмайман-ку тарзидаги тушунмовчиликлар юзага келмайди. Мактабда мутахассис бўлиш учун эмас, жамият талаби даражасидаги одам бўлиш учун ўқилиши англаб етилади.

Ўрта таълимнинг мақсади ўқувчиларни олий мактабга тайёрлаш деб қаралмаса, ўқитиш кечимига муқобил дастур ва дарсликлар жорий қилиниши мумкин бўлади. Ҳозирги ҳолатда эса шундай дастур ва дарслик тузиб ҳам, ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Чунки умумий ўрта таълим мактабида ўқишдан асосий мақсад бўлмиш олий ўқув юртига кириш учун тест ечиш керак. Тест ечишга тайёрланиш учун эса, таълимнинг мазмуни бир хил бўлиши керак. Тестлаштириладиган бир хил мазмун дастур ва дарсликларнинг ҳам бир хил бўлишини тақозо қилади. Бу ҳол ўз-ўзидан таълимнинг қамровини торайтириб, муқобил таълим йўлини тўсади. Муқобил дарсликлар олам ҳодисаларини ҳар хил назар билан кўриб, баҳолайдиган шахсларни шакллантиришга хизмат қилади.

### ТАЪЛИМ СИФАТИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Таълим тизимининг фаолиятига баҳо беришда, унинг самарадорлигини ўлчашда фақат кўз билан кўриладиган, ҳужжатларда қайд этиш осон бўлган кўрсаткичлар ҳисобга олинаётгани ҳам ўқитиш сифатининг ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, ҳозирда қайси таълим муассасасининг битирувчилари олий мактабга кўпроқ кирган бўлса, ўша педагогик жамоа яхши ишлаган ҳисобланади. Ҳолбуки, олий мактабга кириш – ҳар бир ўқувчининг шахсий юмуши. Мактаб олий ўқув юртларига талабгор тайёрлайдиган маскан сифатида эмас, балки ҳаётда қийналмай яшаб кетишга қодир одам тайёрлайдиган даргоҳ деб қаралиши керак. Демак, нуқтаи назар, ўрта таълим тизимига ёндашув ракурси бутунлай ўзгартирилиши зарур.

Шунингдек, фан ўқитувчиларининг болаларга бўлажак мутахассислар сифатида ёндашуви ҳам бутунлай ўзгартирилиши керак. Ҳозирда ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларга ўз фанини ўзлаштириши шарт бўлган объектлар, бўлажак физик, математик, филолог, тарихчи, ҳуқуқшунос деб қарайди. Ҳолбуки, ўқувчи – биринчи навбатда, бетакрор шахс. Таълим тизимидаги ўқитиладиган ҳар бир фан ўқувчиларда мутахассислик кўникмаларини эмас, балки унда шахслик сифатларининг муайян қирраларини шакллантиришга йўналтирган бўлиши керак. Ўқувчи муайян миқдордаги фан ҳақиқатларини ўзлаштириб оладиган объект эмас, одам-у оламда рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ва ҳолатга ўз нуқтаи назари билан соғлом муносабатда бўла оладиган шахс сифатида шакллантирилиши керак.



*Таълимдаги инновациялар четники бўлгани учун эмас, балки самарали бўлгани учун ўқитиш амалиётида қўлланиши керак. Ҳозирда инновацион ёндашувларнинг самара беришидан кўра қўлланиш фактининг ўзи муҳимдай бўлиб турибди.*

Айниқса, мусиқа, расм, жисмоний маданият, адабиёт сингари фанларда ўша соҳаларнинг бўлажак мутахассисларини эмас, балки бу тезкор ва шиддатли замонда одамга муносиб яшаш кўникмасига эга, мусиқани тинглай оладиган, тасвирий санъат асарини кўра биладиган, бадиий асарни ўқиб, тушуниб, завқланадиган, саломатлиги учун фойдали эканини билганидан жисмоний машқларни ихтиёрий бажарадиган маданиятли киши – шахсни тайёрлашга йўналтирилиши зарур. Ҳозиргидай ўқувчиларни чойнакнинг расмини чизиш ёки «Пахта» қўшиғини айтишга ўргатишга уриниш билан уларнинг эстетик ривожида заррача ижобий натижага эришиб бўлмайди.

### ШАКЛ ЭМАС, МАЗМУН МУҲИМ

Бундай ўйлаб қаралса, кейинги ўттиз йил мобайнида миллий таълим тизими бир неча сидра янгиланди. Педагогик инновациялар тинимсиз жорий этилмоқда. Лекин шу вақт орасида бирорта ўқитувчининг илғор тажрибаси оммалаштирилгани кузатилмади. Наҳотки, мамлакатда бирорта ҳам истеъдодли, ижодкор, ташаббускор ўқитувчи қолмаган бўлса? Таълим тизимига киритилаётган шунча янгиликлар керагидай самара беряптими? Педагогик инновация таълимнинг моҳиятига ўзгариш киритиши керакми ёки ташқи кўринишига?

Миллий таълимда педагогик инновация кўпроқ кўринишда, шаклда намоён бўлмоқда. Ҳолбуки, педагогика фани ва амалиёти кўрсатадики, инновация деган тушунчанинг ҳеч ўзгармас олтин қоидасига кўра янгилик ҳамиша пастдан, яъни амалиётдан бошқариш босқичига чиққандагина самара беради.

*Мактаб адабиёти учун адиб ёки асарнинг мавқеи ёки машҳурлиги эмас, балки ўқувчи маънавиятида шакллантирилиши лозим бўлган эзгу ахлоқий сифатни юзага келтиришга хизмат қилиш даражаси муҳим бўлиши керак.*

Бизда яқин ўттиз йилдирки, барча дидактик янгиликлар юқоридан – бошқарув органларидан пастга тушириляпти. Яъни бевосита мактабда ишламаётганлар мактаб фаолиятини самарали қилиш йўлларини мактабда ишлаётганларга ўргатишмоқда. Ачинарлиси шундаки, бу хил ўргатишлар таклиф, тавсия йўсинида эмас, балки бажарилиши шарт бўлган қатъий талаб кўринишини олмоқда.

Кўп минг йиллик таълим амалиёти кўрсатадики, бирорта педагогик тадбир, усул, янгилик ҳамма жойда ёппасига бирдай самара бериши мумкин эмас. Чунки таълимнинг объекти турлича миназ (табиат)га эга тирик одамлардир. Негадир, биздаги педагогик «чиновник»лар ўзлари керакли янгилик деб ҳисоблаган тутумларни барча мактаблардаги барча ўқув фанларини ўқитишга бирданига ва бир хилда татбиқ этилишини истайдилар. Таълимдаги инновациялар четники бўлгани учун эмас, балки самарали бўлгани учун ўқитиш амалиётида қўлланиши керак. Ҳозирда инновацион ёндашувларнинг самара беришидан кўра қўлланиш фактининг ўзи муҳимдай бўлиб турибди.

Таълим тизимини ташкил этишда моҳиятдан кўра кўринишга, мазмунга қараганда шаклга кўпроқ диққат қаратилмоқда. Таълим кечимидаги барча босқичларни имкон қадар юқоридан туриб бошқаришга ружу қўйилди. Бошқариш осон бўлиши учун эса бир хиллик лозим бўлади. Ўқитишдай жонли кечимни бир хиллаштириш амалда уни самарасиз қилиш демакдир. Педагогларда профессионал эрк қолмади. Унинг қаерда нимани, қандай бажариши кераклиги қатъий белгилаб қўйилган ва ундан салгина бўлса-да, ташқари чиқишга йўл қўйилмайди. Ўқитувчида фақат чекловларни айланиб ўтиш, чекловчиларни чалғитишга уриниш эркигина қолди. Маълумки, эрки йўқ одамда шавқ, ижодкорлик, бугун расм бўлганидай айтилса, креативлик бўлмайди. У ўз меҳнати ва эмгак объектига қул сингари муносабатда бўлади. Қул ўз ишига ижодий ёндашишни эмас, балки ундан тезроқ қутулишни ўйлайди. Чегарасиз чекловлар педагоглардаги ижодкорлиг-у изланишнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлади.

### ЎҚИТУВЧИ САБОҚ ЭГАСИ БЎЛИШИ ДАРКОР

Чинакам эгаманлик «эгаман» шахслар бўлганда, улар томонидан амалга оширилади. Бундай бутун шахслар эса, энг камида иш вақтида, ўз иш фаолияти миқёсида чин маънода хўжайин бўла биладиган мутахассислар томонидан шакллантирилади.

Сабоқ, аслида, ўқитиш тизимидаги энг муқаддас, худди намоз каби бузиб бўлмайдиган тадбирдир. Унга шундай эҳтиромли муносабатни қайта тиклаш зарур. Ҳозирги кунда на ўрта, на олий таълим ва на малака ошириш тизимида дарс ўз мавқеига яраша рутбага эга. У ҳар қандай катта-кичик эринмаган одам, истаган вақтда бузиб киравераdиган, истаган одамни киритиб ёки чиқариб юбориши, хоҳлаганча тўхтатилиши мумкин бўлган жараён саналади. Ҳолбуки, таълим тизими атрофидаги барча уриниш-у изланишлар сабоқлар самарадорлигини ошириш учун қилинади. Ана шундай қимматли ва зарур жараёнга нописанд муносабат шаклланган. Таълим жараёни кўпинча тадбир ва тадбирбозликка, сабоқ машғулотлари эса хўжакўрсинга қилинадиган тақдимотга айлантирилгани ўқитиш кечимидаги барча уринишларни самарасиз қилади.

### ПЕДАГОГИК МАНТИҚ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Эгаманлик даври миллий таълим тизимини тубдан янгилаш учун ҳар қандай ўқув фани бўйича дастур ва дарсликлар яратишда фақат фан мантиғидан келиб чиқиб иш кўришга барҳам бериш керак. Таълим жараёнини йўлга қўйишда педагогик мантиққа устуворлик берилиши керак. Дейлик, ўқувчи математикани азбаройи математика бўлгани ёки келажакда математикага алоқадор мутахассис бўлиш учун эмас, балки у ҳақдаги муайян билимларсиз тўла маънодаги шахс бўлиш мумкин эмаслиги учун ўрганиши керак. Ҳар қандай фанни ўқитишда ҳам худди шундай ёндашув лозим. Мактаб адабиёти учун адиб ёки асарнинг мавқеи ёки машҳурлиги эмас, балки ўқувчи маънавиятида шакллантирилиши лозим бўлган эзгу ахлоқий сифатни юзага келтиришга хизмат қилиш даражаси муҳим бўлиши керак.

Эгаманлик таълими самарадорлигини оширишда ўқитишга доир замон талаблари даражасидаги ашёларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дастур ва дарслик яратишда анчадан буён қарор топган аврал режимдан бутунлай воз кечиш, бу хил юмушларнинг мунтазам, изчил, режали ва шошилтирилмай бажарилишини йўлга қўйишга эришиш керак.

Таълим тизими мунтазам ва узлуксиз ишлаб туриши учун унинг фаолиятини текшириб туриш зарур. Лекин текшириш амалиётчи педагогларга ёрдам бериш, йўл кўрсатиш ниятида амалга оширилиши керак. Ҳозирда текшириш кўпроқ айб топиш, ишларнинг фақат текширувчи истаганидай бўлишига эришишга қаратилгандай таассурот қолдиради. Бизнингча, таълим сифатини яхшилаш учун текширувчилар сонини, айниқса, текширишга доир қоғозлар миқдорини кескин камайтириш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошқарув аппаратидаги «чиновник»лар сони қисқартирилиши зарур. Парадокс шундаки, аппарат қанча катта бўлса, амалий иш шунча кам бўлади. Чунки аппаратчи таълим кечимининг ўзи билан эмас, у ҳақдаги маълумот қайд этилган қоғоз билан иш кўришга маҳкум.

Ўқитиш сифатини текшириш чин маънодаги текшириш бўлиши, текширувчи учиб-қўниб, одам санаш, мажбурий қоғозларни кўриш билан эмас, балки таълимнинг чинакам сифати билан қизиқиши, синф ва ундан ташқаридаги машғулотларни бошдан охиригача сабр билан кўриб, хулоса чиқариши керак. Бунинг учун ўтириб дарс кузатиш, кузатилган сабоқларни ўқитувчилар билан биргаликда таҳлил қилиш лозим. Ҳозирча текширувчилар учун сўраганда кўрсатиладиган қоғозлар муҳим бўлиб қоляпти. Ўқитувчининг қанчалик сифатли сабоқ ўтгани эмас, қанчалик сифатли қоғоз тайёрлагани ҳал қилувчи кўрсаткич саналмоқда. Кейинги чорак аср давомида чинакам сабоқ беришдан жуда узоқлаштириб юборилган ўқитувчилар ўқувчилар қошига, бевосита дарс жараёнига чинакамига қайтарилиши керак.

**Эгаманлик таълими ўқувчиларнинг рутбасини ҳам бир қадар ўзгартиради. Яъни уларга ўқитиш кечимининг ўқитиладиган объектигина эмас, балки шу жараённи амалга оширишда бевосита қатнашадиган субъектлар тарзида қарала бошланади. Бу ҳол ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, изланувчанлик сингари сифатлар шаклланишига хизмат қилади.**

**Ўз кўзқарашига эга шахслар шакллантиришга қаратилган эгаманлик таълими мавжуд камчиликлардан қутулиб, ўқитиш кечимини ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларига мослаб ташкил эта билса ва бу жараённи муваффақиятли уюштиришга оптимал даражада хизмат қиладиган дидактик ашёлар тайёрлай олса, шубҳасиз, ўз олдида турган улуғвор вазифаларни бажара олади.**

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ,**
педагогика фанлари доктори,
профессор.

Тақдимот



*Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида Тўлқин Қозоқбоев ва Мухтор Худойқулов муаллифлигидаги **«Журналистикага кириш»** китобининг тақдимоти ўтказилди.*

## Йўл бошловчи китоб

Тадбирда таниқли журналист, кўплаб китоблар муаллифи Тўлқин Қозоқбоев журналистика илми, ўзининг соҳада эришган бой тажрибаси билан ўртоқлашди. Сўзга чиққанлар танлаган касби остонасида турган талаба учун ушбу китоб йўл бошловчи вазифасини ўташини алоҳида таъкидлашди.

– Қўлланма соҳамизга оид билимларни ўзлаштиришимизда анча енгиллик яратади, – дейди университет талабаси Шаҳноза Тўрамуродова. – Бизни қизиқтирган барча маълумотлар дарсликдан ўрин олганидан севиндик. Муаллиф билан бўлган мароқли суҳбатдан эса ўзгача илҳом олдик. Бу соҳамиз илмини мукаммал эгаллашга бўлган иштиёқимизни ошириш баробарида келгуси фаолиятимизда катта мактаб бўлди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,**
талаба



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерациянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Дўстмурод Тўйчиевга онаси **Ойдин БЕГАЛИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Эълон

*Аукцион савдолари хабарномаси*

**«BEST AUKSION SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**I. 2019 йил 19 февраль куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига «Агрокимёҳимоя» АЖ Ғиждувон тумани филиалининг 2019 йил 28 январдаги 12-сонли буюртма-хатига асосан филиал ҳисобидаги қуйидаги транспорт воситалари қўйилмоқда:

**1 лот.** 1983 йилда и/ч, д/р: 80/693ХАА бўлган Камаз-5511 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 5 845 000 сўм;

**2 лот.** 1988 йилда и/ч, д/р: 80/714ХАА бўлган «ЗИЛ-554» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 3 248 000 сўм;

**3 лот.** 1986 йилда и/ч, д/р: 42-02БВ бўлган «МТЗ-80» русумли трактор. Бошланғич баҳоси 2 695 000 сўм;

**4 лот.** 1983 йилда и/ч, д/р: 17-35 БВ бўлган «Т-28» русумли трактор. Бошланғич баҳоси 1 960 000 сўм;

**5 лот.** 1983 йилда и/ч, д/р: 31-69 БГ бўлган «ТО-18» русумли погрузчик. Бошланғич баҳоси 6 279 000 сўм;

**6 лот.** 2004 йилда и/ч, «VP-1» русумли опрыскиватель. Бошланғич баҳоси 3 731 000 сўм;

**7 лот.** 2007 йилда и/ч, «VP-1» русумли опрыскиватель. Бошланғич баҳоси 3 731 000 сўм;

**8 лот.** 2009 йилда и/ч, OBX-600 русумли опрыскиватель. Бошланғич баҳоси 4 018 000 сўм.

2019 йил 19 февраль куни аукцион савдолари булиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 26 февраль ҳамда 2019 йил 5 март кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

**II. 2019 йил 5 март куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган очиқ аукцион савдоларига «Бухороэкспертиза» МЧЖнинг 2019 йил 30 январдаги 2-сонли буюртма-хатига асосан жамият ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситаси қуйилмоқда:

**1 лот.** 2009 йилда и/ч, д/р: 80/910НАА бўлган «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 20 200 000 сўм.

2019 йил 5 март куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 12-19 март кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

Очиқ аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар диққатига!**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлаши,

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 305300366, МФО: 00115, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000300842711002.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй. **Тел.:** +998 90 511-15-05. **E-mail:** bassavdo@mail.ru

**«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.**

**Гувоҳнома** № 576174.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:** С. Шодиева
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **03:45**
Топширилди – **04:45**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 117.**
**29010** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6